

1-савол. Таълим кредитлари кимларга берилади?

Жавоб. Таълим кредити олий ўқув юртининг талабасига берилади. Талаба кундузги бўлимда тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган бўлиши лозим. Бунда таълим кредити Ўзбекистон фуқароси бўлган талабага, унинг ота-онасига ёки васийига берилади.

2-савол. Таълим кредитлари қандай банклар томонидан берилади?

Жавоб. Таълим кредитлари, қоидага кўра, қарз олувчи яшайдиган аҳоли пунктида жойлашган тижорат банклари томонидан берилади. Тижорат банклари тоифасига кирмайдиган банклар таълим кредитлари бермайди.

3-савол. Таълим кредитлари қанча муддатга берилади?

Жавоб. Таълим кредитларини бериш муддати қуйидагича:

| БАКАЛАВРИАТ ТАЛАБАСИГА | МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАСИГА |
|------------------------|-------------------------|
| 10 йилгача | 5 йилгача |

Айнан ана шу кўрсатилган муддатга бериш шарт эмас. Талабанинг ОТМдаги ўқиш даврини ҳисобга олиб қисқароқ муддатга бериш мумкин. Қарз олувчи кредитни кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтаришга ҳақлидир.

4-савол. Беш йил муддатга таълим кредитини олган талаба кредитни қайтариш даври учинчи йилининг охирида муддатли ҳарбий хизматга чақирилди. Муддатли ҳарбий хизмат даври кредитни қайтаришнинг қолган икки йиллик даврига қандай таъсир кўрсатади?

Жавоб. Ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Муддатли ҳарбий хизмат ўтаб келинганидан сўнг кредитни қайтаришнинг қолган 2 (икки) йиллик даври бошланади. Бошқача айтганда, муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври кредитни қайтариш даврига кирмайди. Шунинг учун талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда таълим кредитлари учун фоиз ставкалари ҳисобланмайди.

5-савол. Кам таъминланган оиладан бўлган талаба кредит бўйича қўшилган фоизларнинг қанча миқдорини тўлайди?

Жавоб. Кам таъминланган оиладан бўлган талаба кредит бўйича қўшилган фоизларнинг тенг ярмини, яъни 50 фоизини тўлайди. Қолган ярмини (яъни қолган 50 фоизини) тегишли туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази тўлайди. Мазкур марказ кредит бўйича 50 фоизлик “ўз улушини” Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлайди.

6-савол. Таълим кредитлари бўйича кредит шартномаларининг томонлари кимлар бўлиши мумкин?

Жавоб. Таълим кредитлари бўйича кредит шартномаларининг томонлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

| КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ | КРЕДИТ ШАРТНОМАСИНИНГ ТОМОНЛАРИ |
|---|--|
| УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА | 1) “Банк” (тижорат банки) |
| | 2) “Қарз олувчи”: талаба; талабанинг ота-онаси; талабанинг васийси. |
| | 3) “Олий таълим муассасаси” (мас., ТДИУ) |
| <i>Кам таъминланган оилалардан чиққан талабанинг ўқиши учун:</i> | |
| ТЎРТ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА (Ҳар бир томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши лозим.) | 1) “Банк” (тижорат банки) |
| | 2) “Қарз олувчи”: талаба; талабанинг ота-онаси; талабанинг васийси. |
| | 3) “Олий таълим муассасаси” (мас., ТДИУ) |
| | 4) “Жамғарма” (Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси) |

7-савол. Таълим кредитини олиш учун тижорат банкига қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Жавоб. Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) *Ариза.* Аризани қарз олувчи таълим кредити бериш тўғрисида ёзади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

2) *Шартнома (контракт).* Талаба ва ОТМ ўртасида тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида тузилади. Шартнома белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим. Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартишлар киритилади, бу ҳақда ОТМ 10 кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва ОТМ ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади.

3) *Маълумотнома.* Маълумотнома қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилади. Уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати беради.

4) *Кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат.*

5) *Қуйидаги ҳужжатлардан бири (тегишлича, мавжуд бўлса):*

а) чин етимликни тасдиқловчи ҳужжат;

б) “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланганликни тасдиқловчи ҳужжат;

в) болаликдан I гуруҳ ногирони эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;
 г) болаликдан II гуруҳ ногирони эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;
 д) кам таъминланган оиладан чиққанликни тасдиқловчи ҳужжат.
 Бундай оилалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади (Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарорига 1-илова: “*Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом*”).

б) *Паспорт*. Юқоридаги ҳужжатлар тақдим этилган вақтда шахсан кўрсатилади. Банк паспортдан зарур кўчирмалар ва нусха олишга ҳақли.

7) *Кредит қайтарилишининг таъминланишини тасдиқловчи ҳужжат*.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тижорат банкига тақдим этилади. Агар улар банк талабларига жавоб берса, кредит шартномаси тузилади. Ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг уларни тижорат банки 10 (ўн) иш куни ичида кўриб чиқади ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) Таълим кредити бериш тўғрисида қарор. Бу ҳолда кредит шартномаси имзоланади.

б) Таълим кредити берилмаслиги тўғрисида қарор. Бу ҳолда аризачига кредит беришнинг рад этилганлиги тўғрисида ёзма хулоса берилади.

8-савол. Таълим кредити бўйича маблағлар қандай муддатларда тўлаб берилиши лозим?

Жавоб. Таълим кредити бўйича маблағлар тўлаш (ўтказиш) тартиби қуйидагича:

| Ўқишнинг йили | Биринчи ярим йиллик учун (ўқиш учун йиллик тўловнинг 50 фоизи) | Иккинчи ярим йиллик учун (ўқиш учун йиллик тўловнинг 50 фоизи) |
|------------------------------|---|---|
| <i>Биринчи йил учун</i> | 1 октябргача | 15 мартгача |
| <i>Иккинчи йилдан бошлаб</i> | <i>Ҳар ярим йиллик биринчи ойининг 5-кунидан кечиктирилмай:</i> | |
| | 5 сентябргача | 5 мартгача |



Шартли қисқартмалар

ОТМ олий таълим муассасаси

ТДИУ Тошкент давлат иқтисодиёт университети